

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**283 2013 — 2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ишлаб чиқилган, 2013 — 2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашни (қўшимча жиҳозлашни) жадаллаштириш Дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқлансин, Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

Таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш нормативлари 1-иловага* мувофиқ;

2013 — 2016 йилларда умумтаълим мактабларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашнинг (қўшимча жиҳозлашнинг) асосий кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

2013 — 2016 йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашнинг (қўшимча жиҳозлашнинг) асосий кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

2013 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлашнинг (қўшимча жиҳозлашнинг) асосий кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ.

2. Қуйидагилар Дастурни молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари;

Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;

олий таълим муассасаларига мақсадли равишда ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда таълим муассасаларини жиҳозлаш учун белгиланган тартибда халқаро молия институтлари, ташкилотлари ҳамда донор мамлакатларнинг имтиёзли хорижий кредитларини жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили таълим муассасаларини жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) манзилли дастурларининг шакллантирилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили таълим муассасаларини жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) манзилли дастурларини шакллантиришда ҳар бир таълим муассасасининг моддий-техника жиҳатидан амалда таъминланганлиги ҳисобга олинади ҳамда ўқитишнинг техник воситалари асоссиз тарзда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

5. Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгашга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг таклифига кўра, зарурият бўлганда, Дастурга ва жиҳозлаш нормативларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 27 май,
143-сон